*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил
4 июль
ЧОРШАНБА
№ 52
(12.480)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | **Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси** | www.th.uz

# ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!



# ХИРМОНЛАР ДОНГА ТЎЛМОҚДА



**Пискент тумани ғаллакорлари йиллик маррага етиб келишди. Улар давлатга 19 минг тоннадан ортиқ ғалла топшириб, шартнома режасини 102 фоизга етказишди.**

Катта-катта майдонларда мўл ҳосил етиштирилди. Ғаллани ўриш-янчиш ва қабул пунктларига етказиб беришни жадаллаштириш учун 9 та отряд ташкил этилиб, уларга 25 та комбайн, етарли транспорт воситалари бириктирилди.

Илғор комбайнчи Суннат Абдуллаев "Класс" комбайнида кунига 80-90 тонна ғаллани ўриб-янчди. Ҳозиргача у йиғиштирган ғалла 1220 тоннадан ошди. Қўчқор Мирзаев, Маҳмуд Назиров сингари комбайнчилар ҳам ўрим-йиғимда юқори унум билан меҳнат қилишди.

Ҳозиргача ҳосилдорлик "Назирқул ота" фермер хўжалигида 35, "Шукуралиев Қозоқ" фермер хўжалигида 33,8, "Жаҳонгир" фермер хўжалигида 32,7 центнерга етди.

**СУРАТЛАРДА:** тумандаги "Аҳмедов Абдуғаффор" фермер хўжалиги иш бошқарувчиси Абдувоид Аҳмедов (ўртада) комбайнчи Ҳасан Тошматов ва Элназар Сулаймоновлар билан ўрим пайтида; (ўнгда) "Жаҳонгир" фермер хўжалиги раҳбари Алиқул Исоқов туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғининг ўринбосари Саидкарим Тулепов ҳосил чўғидан мамнун.

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

**ВИЛОЯТ ҲАЁТИ / ВИЛОЯТ ҲАЁТИ / ВИЛОЯТ ҲАЁТИ / ВИЛОЯТ ҲАЁТИ**

**ЧИНОЗ ТУМАНИ**

## ОИЛАДАГИ СОҒЛОМ МУҲИТ – КЕЛАЖАК ТАЯНЧИ

**Яллама қишлоқ фуқаролар йиғинида "Гиёҳвандлик аср вабоси" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда туман фаоллари, маҳаллалар оқсоқоллари ва маслаҳатчилар иштирок этишди.**

Миллий тикланиш демократик партияси туман кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда ёшларнинг гиёҳвандлик таъсирига тушиб қолишларининг олдини олиш, оилада соғлом муҳитни шакллантириш масалаларида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Шунингдек, ёшларнинг бўш вақтларини самарали ўтказишларини таъминлаш юзасидан мутахассислар тавсиялар беришди.

**Илмира НОРБЎТАЕВА.**

**ПИСКЕНТ ТУМАНИ**

## ҒОЛИБЛИК УЧУН ҚИЗҒИН КУРАШ

**2-умумтаълим мактабида ташкил этилган ёзги оромгоҳда "Саломатлик спартакиадаси" ташкил этилди. Мусобақадан кўзланган мақсад дам олувчиларнинг жисмоний имкониятларини синовдан ўтказиш ва ёшлар орасида спортни янада оммалаштиришдир.**

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг "Ёзни Камолот билан" лойиҳаси доирасида ташкиллаштирилган мусобақада 25 нафар ўғил-қиз иштирок этди. Улар спортнинг енгил атлетика, қўл тўпи, стол тенниси, футбол каби турлари бўйича беллашдилар.

Қизғин ва муросасиз кечган баҳсларда дам олувчилар бор кучларини ишга солиб ғолиблик учун курашдилар.

Ғолиб ва совриндорларга ташкилотчиларнинг совғалари топширилди.

**Гулида ИНОМОВА.**

**ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ ТУМАНИ**

## ҲАМКОРЛИК

**Туман ҳокимлигида мактаб, оила, маҳалла ҳамкорлигига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

Унда ҳокимлик ва хотин-қизлар қўмитаси вакиллари, мактаб раҳбарлари, маҳалла оқсоқоллари ва фаоллар иштирок этди. Сўзга чиққанлар мактаб, оила ва маҳалла ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш, шу орқали фарзандлар тарбияси билан мукаммал шуғулланиш, уларга тўғри йўл кўрсатиш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида тўхталдилар.

**Саъдулла ЖЎРАЕВ.**

**ҚИБРАЙ ТУМАНИ**

## ИНСОН ҚАДР БИЛАН УЛУҒ

**Туман ҳокимлигида "Инсон хотира билан тирик, қадр билан улуғ" мавзусида йиғилиш бўлиб ўтди.**

Унда Юртбошимизнинг Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситалари ходимларига берган интервьюси кенг муҳокама этилди.

Маънавият тарғибот марказлари ходимлари, маҳаллалар оқсоқоллари ва маслаҳатчилар, таълим муассасалари директорларининг маданий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, корхона, ташкилот раҳбарлари иштирок этган ушбу йиғилишда сўзга чиққанлар мамлакатимизда инсон қадр-қимматини улуғлаш борасида амалга оширилаётган ишларга атрофлича тўхталдилар.

**Ирода МАҚСУД қизи.**

## ҒАМХЎРЛИК

**Касаба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгашида касб-ҳунар коллежларида билим олаётган иқтидорли ва кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари бўлган ўқувчиларга касаба уюшмалари стипендиялари топширилди.**

Якунланган ўқув йилида 24 ўқувчи бу ютуқни қўлга киритди. Стипендияларни вилоят касаба кенгаши раиси Шуҳрат Деҳқонов топширди.

**Жўрабек МУРОДОВ.**

## ЛОЙИҲА ТАҚДИМОТИ

**"Пойтахт" бизнес марказида "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури доирасида "Оилавий тадбиркорликдан – мустаҳкам оилага" лойиҳасининг тақдимоти бўлиб ўтди.**

Бу лойиҳа хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада кучайтириш, уларда тадбиркорлик ва ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш, хотин-қизларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка, хусусан, ҳунармандлик, касаначилик фаолиятига кенг жалб этиш орқали оилавий бизнесни ривожлантириш, хотин-қизларнинг ҳуқуқий билимини оширишга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

**"Туркистон-пресс".**



**2012 йил учун**



**ОБУНА давом этмоқда. «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетаси индекси – 205.**

# ЭКОЛОГИК ХАТАР

**Мамлакатимизда "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти" мавзусидаги халқаро конференцияга нуфузли экспертлар қаторида Бельгия Республикаси парламент депутатлари гуруҳи ҳам ташриф буюрган эди. Ушбу кенг қамровли конференция доирасида делегация аъзолари мамлакатимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Экоҳаракат депутатлари гуруҳи аъзоларининг иш фаолияти билан ҳам яқиндан танишдилар.**

Икки томонлама учрашувлар чоғида депутатлар минтақадаги мавжуд экологик вазият, атроф-муҳит муҳофазаси йўлида амалга оширилаётган чора-тадбирлар, муаммоларни ҳал этишда халқаро ҳамкорлик масалалари бўйича ўзаро фикр алмашдилар.

Делегация ва Экоҳаракат депутатлари гуруҳи аъзолари Сурхондарё вилоятида бўлиб, "Тожикистон алюминий компанияси" давлат унитар корхонаси атроф-муҳит ва инсон саломатлигига етказаётган салбий таъсирини ўрганиб қайтдилар.

Кейинги пайтларда нафақат Ўзбекистон ва Тожикистон, балки хорижий ҳамда халқаро оммавий ахборот воситаларида Алюминий заводининг таъсири хусусида турлича ёндошувлар баён этилган чиқишлар тез-тез кўзга ташланмоқда. Бу бежиз эмас. Бугун мамлакатимизнинг жанубий вилоятида юзага келган оғир экологик фожиа оқибатида дунёга келаётган зурриётлар саломатлиги, наботот дунёси ва ҳайвонот олами жиддий хавф-хатар остида қолмоқда. Воҳанинг шимолий ҳудудларида чақалоқларнинг майиб-мажруҳ бўлиб туғилиши эса ҳар қандай кишини ташвишга солади. Бир сўз билан айтганда, Тожикистон алюминий заводи мўриларидан чиқаётган водород фториди, олтингугурт ангидриди, азот ва углерод оксидлари ва бошқа заҳарли кимёвий бирикмалар, энг аввало, инсонлар умрига зомин бўлмоқда. Уларнинг организмга кучли таъсир ўтказиши оқибатида аҳоли ўртасида тиш касаллиги, нафас олиш аъзолари, қандли диабет, камқонлик, буқоқ, ошқозон-ичак сингари хасталиклар кўпайиб бормоқда. Заводдан чиқаётган заҳарли тутун Олтинсой, Жарқўрғон туманларигача етиб келган. Бунинг оқибатида эса анор, хурмо, узум, қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги камайиб бормоқда.

Бундай ҳолат аввало ҳукуматимизни, Сурхондарё вилоятидаги кенг жамоатчиликни, хусусан, Ўзбекистон экологик ҳаракати фаолларини бефарқ қолдирмаяпти. Мамлакатимизда экологик муаммоларни бартараф этишга қаратилган бир қатор лойиҳа ва тадбирлар амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

# ҲАМИША ЁНМА-ЁН, ҲАМИША БИРГА

**"Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик – тараққиёт омили" мавзуидаги илмий-амалий анжуманда вилоятимизда яшаб турган деярли барча миллат ва элатларнинг ранг-баранг анъаналари, маданият ва санъати ёрқин намоён этилди. У вилоят Ёшлар маданияти марказида бўлиб ўтди.**



– Бугун Ўзбекистонимизда қарор топган мустаҳкам миллатлараро дўстлик ва баҳамжиҳатликнинг тарихий илдизлари ниҳоятда теран, – деди Республика байналмилал маданият маркази директори Насриддин Муҳаммадиев. – Бизнинг фараҳбахш заминимиз минг йиллар давомида Буюк Ипак йўли бўйларида жойлашганлиги бунинг учун пухта асос бўлиб хизмат қилган. Ўзбек миллатига хос бағрикенглик, меҳмондўстлик, хушфеъллик, бошқа халқлар маданияти ва динига ҳурмат билан қараш фазилатлари тараққиёт суръатларини тезлаштирувчи омил бўлди.

(Давоми 2-бетда).

**СУРАТЛАРДА:** илмий-амалий анжумандан лавҳалар.

**Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.**

«ЁЗ – 2012»

# КУНДУЗГИ ОРОМГОҲ БОЛАЛАР БИЛАН ГАВЖУМ

**Қуйи Чирчиқ туманидаги "Баркамол авлод" болалар маркази қошида ташкил этилган кундузги соғломлаштириш оромгоҳида кам таъминланган, эҳтиёжманд оила фарзандлари дам олмоқда.**

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб вояга етказиш, уларга пухта таълим-тарбия бериш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Ёзги таътил мавсумида болаларни соғломлаштириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ҳам бу жараёнда муҳим ўрин тутади.

– Мамлакатимизда турли миллат ва элат вакилларининг меҳнат қилиши, дам олиши, ўқиб, изланиши, ўз салоҳиятини кенг намойиш этиши учун барча шарт-шароит яратилган, – дейди мазкур соғломлаштириш маскани раҳбари Р. Нурғозиева. – Бу ерда дам олаётган болалар турли миллат ва элат вакилларининг фарзандларидир. Оромгоҳимизда болаларнинг ҳордиқ чиқариши, ўқув йили давомида олган билимини мустаҳкамлаши учун барча имкониятлар яратилган. Мавсум давомида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, халқ таълими, маданият ва спорт ишлари, соғлиқни сақлаш бошқармалари билан ҳамкорликда кўнгилочар тадбирлар, спорт мусобақалари, турли машғулотлар ўтказилмоқда Айниқса, мустақиллигимизнинг 21 йиллигига бағишланган маданий-маърифий тадбирлар, мушоиралар, давра суҳбатлари, таниқли адиб ва санъаткорлар билан учрашувлар болажонларнинг билим ва дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қилаётир.

Тадбирда оромгоҳда соғломлаштирилаётган болаларнинг барчасига "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамда ҳамкор ташкилотларнинг совғалари топширилди.

Болалар томонидан тайёрланган концерт дастури, Ватан, дўстлик, меҳр-муҳаббат, садоқат ҳақидаги шеърлар барчада катта таассурот қолдирди.

**Л. СУВОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**




ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

# «ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»

**Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, "Ўзбеккино" Миллий агентлиги, Бадиий академия, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан ҳамкорликда ёзувчи ва шоирларни, журналистлар, тасвирий ва кино санъати намояндаларини эркин, озод ва фаровон ҳаётимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи – мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма бир йиллигига бағишлаб ўтказадиган "Энг улуғ, энг азиз" анъанавий танловига таклиф этади.**

Танловга "Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!" деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ижодий ишлар қабул қилинади. Тақдим этиладиган асарларда мамлакатимизда мустақиллик йилларида барча соҳаларда улкан ютуқларга эришилгани, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаёти, хавфсизлик ва барқарорлик таъминлангани, Ватанимизнинг қудрати ва салоҳияти, халқаро майдондаги обрў-эътибори тобора ортиб бораётгани, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳот ва ўзгаришларнинг моҳияти ва аҳамияти, аҳолининг, айниқса, ёшларимизнинг онгу тафаккури, сиёсий савияси, ижтимоий фаоллиги ошиб бораётгани, қишлоқ ва шаҳарларимиз, бутун мамлакатимизнинг қиёфаси тубдан ўзгараётгани, ҳар бир юртдошимиз ўз истеъдоди ва қобилиятини намоён этиши учун янгидан-янги имкониятлар яратилаётгани кенг ёритилган бўлиши керак.

Шунингдек, танловга тақдим этилган материаллар ўтган давр мобайнида халқимиз мураккаб ва машаққатли йўлни босиб ўтганини, ўзининг мустаҳкам иродаси, қатъият ва матонати ҳамда юксак инсоний фазилатларини намоён этишга эришганини, жамиятимизда миллатлар ва фуқаролар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат муҳити тобора мустаҳкамланиб бораётганини, бетакрор меросимиз, бой тарихимиз, урф-одат ва анъаналаримизнинг қайта тикланганини, одамларимизнинг дунёқараши тубдан ўзгариб, Ватан тақдири ва истиқболига дахлдорлик туйғуси маънавий ҳаётимизнинг узвий қисмига айланиб бораётганини, "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурининг ижобий самараларини мамлакатимизда ва халқаро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилишга қаратилган бўлиши зарур.

**"Энг улуғ, энг азиз" танлови қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:**

– ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари;
– босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари;
– телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари;
– тасвирий санъат асарлари;
– кино санъати асарлари.

**Танловга тақдим этилган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:**

– муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
– муаллифнинг паспорти нусхаси;
– иш жойидан тавсиянома;
– муаллифнинг манзили ва боғланиш телефонлари.

Танловга 2011 йилнинг 1 августидан 2012 йилнинг 1 августигача бўлган даврда чоп этилган бадиий асарлар, газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, радио ва телевидение каналларида эфирга узатилган материаллар, шунингдек, тасвирий санъат ва кино санъати асарлари жорий йилнинг 5 августигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари Ватанимиз мустақиллигининг йигирма бир йиллик байрами арафасида мукофотланадилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

**Ижодий ишлар "Энг улуғ, энг азиз" танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:**

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси. Телефонлар: 244-12-61, 244-64-61, 244-27-79.

ҒАЛЛА – ХАЛҚ РИЗҚИ

**Сув, замин, қуёш ва ҳаво ҳаёт манбаидир. Ҳавонинг ифлосланиши одам, ҳайвон организмига, ўсимлик ва бошқа тирик мавжудотларга салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун Абу Али ибн Сино, агар ҳавода тутун билан чанг бўлмаганда одамлар минг йил яшар эди, деб бежиз айтмаган.**

# ХАЗОНГА ҚЎШИБ СОҒЛИҚНИ ЁҚМАНГ!

Инсон ҳаёти учун энг зарур нарса ҳаводир. Одам озиқ-овқат ва сувсиз беш кунгача чидаши мумкин, ҳавосиз эса, беш дақиқага ҳам бормайди. Аммо ҳаво маълум таркибга эга бўлиши, тоза ҳолатда сақланиши зарур.

Далаларга ўт қўйиш, ҳар хил чиқиндиларни ёқиш, битумни махсус қурилмаларсиз очиқ жойда эритиш, таркибида ўта заҳарли кимёвий воситалар бўлган полиэтилен плёнка ва идишлар, кундан-кунга кўпайиб бораётган турли сунъий буюмлардаги заҳарли моддалар сурункали ва аллергик касалликлар авж олишига, саратон касаллигига сабаб бўлмоқда. Бой табиатимизни қашшоқлаштириб, атроф-муҳитни кўримсиз ҳолатга олиб келмоқда.

Табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ қонунлар бузилишининг олдини олиш мақсадида вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг давлат инспекторлари режа асосида ҳафталик кундузги ва тунги рейдлар ўтказишмоқда. Тегишли корхона, ташкилотлар, ободонлаштириш бошқармаси, маҳалла фуқаролар йиғинларига қуриган хазон, шох-шабба ва чиқиндиларни ёқиш, махсус қурилмаларсиз битум эритишнинг олдини олишга қаратилган оғзаки ва ёзма кўрсатмалар берилган.

Бир гектар майдонда бошоқли дон пояси ёқилганда атмосферага 500 грамм азот оксиди, 379 грамм углеводород, 3 кг. кул, 20 кг. ис гази ва углерод оксиди гази чиқади. Тупроқ таркиби бузилиб, эрозия кучаяди ва натижада ҳосилдорлик камаяди.

Бир тонна хазон ёқилганда, атмосфера ҳавосига 30 кг. углерод оксиди тарқалади. Битум ёқилганда, ундан ажралиб чиққан қурум сил ва саратон касалликларини келтириб чиқариши мумкин.

**Хайрулла АЗИМҚУЛОВ,**
**вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси давлат инспектори.**

# ЙЎЛЛАР РАВОН, КЎНГИЛ ХОТИРЖАМ



Паркент туманида ҳудудлар инфратузилмасини ривожлантириш, йўллар қуриш ва мавжудларини таъмирлаш борасидаги ишлар изчил давом этмоқда.

Жумладан, туман ҳокимлиги ҳисобидаги умумфойдаланишдаги хўжаликлараро ички йўлларни тўла таъмирлаш ишлари бўйича манзилли рўйхат тузилган. Унга кўра, бу йил 22 та кўча таъмирдан чиқарилади. Бунинг учун қарийб 1 миллиард сўм маблағ ажратилди. Шу кунгача салкам 400 миллион сўмлик иш бажарилди. Бундай катта ҳажмдаги асфальтлаш ишлари тендер асосида танлаб олинган "Келажак Пойтахт йўл" МЧЖ пудратчи ташкилоти зиммасига юклатилди.

– Шу кунгача 5 та йўл тўла асфальтланди, – дейди туман коммунал фойдаланиш давлат унитар корхонаси раҳбари Отабек Мирдавлатов. – Бундан ташқари, янги шаҳар посёлкаларининг умумфойдаланишдаги маҳаллий йўлларни мукаммал таъмирлаш режасига 3 та кўча киритилган бўлиб, бу ердаги ишлар якунланди.

– Кўчаларимиз янгидан чирой очаяпти, – дейди сўқоқлик Хусниддин Ҳожиметов. – Тош кўчалар асфальтланяпти, эскилари таъмирланяпти. Бу, албатта, қишлоғимиз аҳлига мустақиллик байрами олдидан муносиб совға бўляпти.

**Неъмат РУСТАМОВ.**
**Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.**

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

# ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИ – МУҚАДДАС

Аъзолари ҳуқуқий билимдон, ижтимоий-сиёсий фаол бўлган жамият кучли ва қудратлидир. Киши ўз ҳуқуқ ва бурчини билмаса, уларга амал қилмаса, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт тартиб-қоидалари, давлат қонунчилиги асослари бузилишига қулай муҳит вужудга келади.

– Бунга йўл қўймаслик учун қонунчиликни мустаҳкамлаш, бу жараён устидан жамоат назоратини кучайтириш, фуқароларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялашнинг яхлит тизими яратилган, – деди "Тошкент ҳақиқати" газетаси мухбири билан суҳбатда Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси вилоят ҳудудий бирлашмаси раиси Гулчеҳра Аббосова. – Бизнинг жамиятимиз бу тизимда ўзига хос ўринга эга. Фаолиятимизнинг қонунчилик асослари "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунда аниқ-равшан белгилаб қўйилган.

**– Гапни ҳуқуқий билимдонликдан бошладингиз. Дарҳақиқат, бусиз ҳуқуқларимиз ҳимоя қилинишига эришиб бўлмайди. Шу муносабат билан жамият аъзоларининг ҳуқуқий билимини оширишга қаратилган чора-тадбирлар ҳақида гапириб берсангиз.**

– Фуқароларнинг истеъмолчи сифатидаги ҳуқуқий билимини ошириш билан бирлашмамизнинг туман ва шаҳар бўғинлари жиддий шуғулланаётир. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талабларини кенг тарғиб қилиш мақсадида қишлоқларда давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил қилиняпти, савол-жавоб кечалари ўтказиляпти. Шу мақсад йўлида матбуот, радио ва телевидениедан кенг фойдаланмоқдамиз. Сўнгги бир ярим йилда шаҳар ва қишлоқларда 320 та давра суҳбати, 140 та ўқув-семинарлари ўтказдик. Бекобод, Янгийўл туманлари, Чирчиқ шаҳрида бундай тадбирлар қизғин савол-жавоблар тарзида ўтди. Чирчиқ шаҳридаги таянч гуруҳимиз "Истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳамиша ҳимояда" мавзусида ўтказган давра суҳбатида маҳалла фаоллари, халқ таълими ходимлари, коммунал хизмат корхоналари мутахассислари иштирок этишди.

Ҳуқуқий тарғибот одамларда фаолликни кучайтиряпти. Бир сўз билан айтганда, уларда ўз ҳақ-ҳуқуқлари тикланишига ишонч ортмоқда.

Бу ўзгаришни тасдиқловчи мисоллар кўп. Ўтган йили бирлашмамиз ва унинг қуйи бўғинларидан ёрдам кўрсатиш сўралган 533 та мурожаат олинган бўлса, бу йилги дастлабки беш ойда 209 кишидан ана шундай ариза ва шикоят тушди.

**– Уларни кўриб чиқиш натижалари қандай?**

– 533 та ариза ёки шикоятнинг 458 таси ижобий ҳал қилинди, яъни ҳар юз кишидан 86 кишининг истеъмолчи сифатидаги ҳуқуқлари тикланди. Бу йилнинг беш ойидаги мурожаатномаларнинг деярли барчаси истеъмолчилар фойдасига ҳал қилинди.

**– Бу енгил иш эмас, албатта. Шу боис баъзи мурожаатларни кўриб чиқиш жараёни ҳақида батафсилроқ тўхталсангиз.**

– Қибрай тумани Ўнқўрғон қишлоғида яшовчи Ойдин Ўрозованинг пластик карточкасига банк беш ой давомида пул ўтказиб турган. Лекин фуқаро пластик карточкани ололмаган. Жамиятимиз мутахассислари аралашуви билан аризачи пластик карточка билан таъминланди.

Коммунал хизмат корхоналари ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатларига доир мурожаатномалар ҳам талайгина. Беш ой давомида кўриб чиқилган ариза ва шикоятларнинг 85 фоизи шу ҳақда. Газ таъминоти корхоналари ходимларининг тўловларни ундиришдаги қонунбузарликларини бартараф этиш айниқса, долзарб тус олаяпти. Ҳисобдон бўйича мунтазам тўлаётган фуқаролар ҳам қарздор ҳисобланаётган ҳоллар бор. Сартамғали қишлоғида яшовчи Савринисса Тўпарованинг "Оҳангаронгаз" филиалидан 640 минг сўм сунъий қарзи бекор қилинди. Зангиоталик Йўлдош Тўраевга ҳам 119 минг 947 сўм ортиқча қарз ҳисобланган деб топилди.

Газлаштириш идораси ходимлари Бўстонлиқ тумани Хондайлиқ қишлоғида яшовчи Абдурашид Турдиевга 451 минг сўм қарзи борлигини айтиб, уни тўлашни талаб қилишган. Мурожаатномани кўриб чиқиш чоғида истеъмолчи ҳисобига 485 минг 296 сўм ноўрин қарз ёзилгани аниқланди.

Умуман, 2011 йил давомида 192 истеъмолчининг шу сингари ариза ва шикоятлари бўйича 58 миллион 865,2 минг сўм ортиқча қарз аниқланиб, назорат идоралари орқали бартараф қилинди.

Ўрта Чирчиқ тумани "Намуна" маҳалласида яшовчи Л. Нигайнинг аризаси "Тошкентгазтаъминот" унитар корхонаси ҳамда туман газлаштириш идораси ходимлари билан бирга кўриб чиқилганда, маълум бўлдики, истеъмолчи қарздор эмас, балки ундан 371 минг 134 сўм ортиқча тўлов ундирилган. Тумангаз АСУ базасида Л. Нигайга қайд қилинган 2 миллион 31 минг 873 сўм қарз унинг ҳисобидан чиқариб ташланди.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" ва "Ўзбекистон темир йўллари" компаниялари бўлинмалари кўрсатаётган хизматларга эътирозлар бўйича бир йилда 211 та мониторинг ўтказилди. 35 та ҳолат бўйича ҳужжатлар давлатнинг тегишли назорат идораларига юборилди. Президентнинг хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорининг ижроси доирасида фуқароларнинг 246 та мурожаати кўриб чиқилиб, ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. Фақат бирлашмамизнинг ҳуқуқий маслаҳат марказига 33 та мурожаат бўлди. Олмалиқдан Ирина Симоняннинг нафақа пулини вақтида ололмаётгани ҳақидаги телефон орқали мурожаати бир кунда ижобий ҳал қилинди.

**– Вилоят бирлашмаси таянч гуруҳларининг фаолияти хусусида нима дея оласиз?**

– Таянч гуруҳлари ишини кучайтириш вилоят кенгашида алоҳида кўриб чиқилиб, уларнинг таркиби такомиллаштирилди. Ҳозир маҳаллаларда 248, ўқув муассасаларида 18, бозорларда 17, уй-жой мулкдорлари ширкатларида 28, корхоналарда 96 та, жами 550 та таянч гуруҳи ташкил этилган. Эндиликда истеъмолчиларнинг ҳар бир ариза ёки шикоятини ўрганиш жараёнида таянч гуруҳлари бевосита иштирок этаётир.

**"Тошкент ҳақиқати" мухбири Жўра САЪДУЛЛАЕВ суҳбатлашди.**



# ЭКОЛОГИК ХАТАР

Жойларда "экомактаб"лар ташкил этилиб, ОАВ да атроф-муҳитни асрашга қаратилган қатор мақолалар эълон қилинмоқда.

Бельгия парламенти депутатлар гуруҳи аъзолари ҳам Сурхондарёдаги бугунги экологик вазият, биргина Алюминий заводи етказган жиддий зарар оқибатлари хусусида ўз муносабатларини билдирдилар. Бу албатта, ҳар бир ватандошимизни фикрлашга, ўйлашга ва вазиятни ижобий ҳал этиш йўлида курашишга ундайди.

Бугунги кунда Роғун ГЭСи қурилиши билан боғлиқ геосиёсий вазият ҳам барчамизнинг ўй-хавотиримизга сабаб бўлмоқда. Сиёсий доиралар, кенг жамоатчилик ҳамда ОАВларда Роғун ГЭСи билан боғлиқ жиддий муаммолар таҳлил этилмоқда. Халқаро экспертлар бу жараёнга ўзларининг муносабатларини билдирмоқдалар. Яқинда Жаҳон ахборот агентлиги тарқатган "Роғун ГЭСи қурилишидан воз кечишга тўғри келади" номли хабарда ҳам россиялик таниқли эксперт Леонид Папириннинг олиб борган тадқиқот натижалари ва хулосалари эълон қилинди. Демакки, бу масала нафақат Ўзбекистон халқини, балки дунё ҳамжамиятини ҳам биргаликда курашга чорламоқда.

Халқимизда "Ён қўшни, жон қўшни" деган ҳикматли ибора бор. Ўзбекистон ва Тожикистон халқларини асрлар оша бирлаштириб турган азалий қадриятлар, урф-одатлар бир-бирига жуда яқин. Шуни назарда тутсак, Алюминий заводининг инсон саломатлиги ва Она заминимизга таъсирини ҳамжиҳатликда ижобий ҳал этиш мумкин. Бундай хайрли, керак бўлса, савобли ишни Ўзбекистон халқи ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Бугун ҳамфикр бўлиб, бу муаммога барҳам берсак, икки халқ бошига заҳар ёғилмайди, аксинча, уларнинг дастурхонига янада қут-барака киради. Оналаримиз ва фарзандларимиз соғлом бўлади. Энг асосийси, минтақамизда вужудга келган янги экологик фожиа ўчоғи барҳам топади.

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Муҳаррам БОЗОРОВА.**

**Бўстонлиқ туманининг Боғистон қишлоғидаги умумтаълим мактабида семинар-тренинг ташкил этилди.**

# БОҒИСТОН ТАДБИРИ

Унда қишлоқ, шаҳарча ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, масъул котиблар иштирок этишди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" китоби ҳар бир оқсоқол учун дастуриламал бўлиши кераклиги алоҳида таъкидланди. Йиғилиш қатнашчилари мазкур асардан олган таассуротлари билан ўртоқлашдилар. Асарда Ватанимиз тарихининг янги саҳифалари акс эттирилганлиги, уни астойдил ўрганиш лозимлиги уқтирилди.

Самимий суҳбат тарзида ўтказилган машғулотда кун тартибидаги муҳим масала – умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига жалб этиш, коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш, "Оила – мактаб – маҳалла" концепцияси асосида амалга оширилаётган ишлар муҳокамасига катта эътибор қаратилди.

**Суннат МУСАМЕДОВ.**



# ҲАМИША ЁНМА-ЁН, ҲАМИША БИРГА

Шуни алоҳида қониқиш билан қайд қилиш мумкинки, бугун мустақил Ўзбекистонда яшаётган турли миллат фарзандлари давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга, фуқаролик жамиятини барпо этишга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

Бу ҳаракатда вилоятдаги ўттиздан ортиқ миллий маданият марказлари фаол иштирок этаётир. Улар ташкил этаётган миллий байрамлар, санъат фестиваллари, бадиий-мусиқали кечалар, таниқли фан ва адабиёт ходимлари билан учрашувлар миллатлараро аҳиллик ва бағрикенгликни кучайтирмоқда. Бу жараёнда Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларнинг ривожланишига бағишланган конференцияларнинг аҳамияти катта бўлаётир.

– Бизнинг маданият марказимиз Янгийўл туманидаги барча татарларни бирлаштириб турибди, – дейди туман татар маданият маркази раҳбари Анися Гатаулина. – Ўзбекистонда барча миллат вакиллари бир оила фарзандларидек яшамоқдамиз.

Вилоятимизда саксон минг корейс ҳам барча миллат вакиллари билан аҳил ва иноқ умргузаронлик қилишмоқда. Улар ўз тиллари, урф-одатларини ўрганишлари учун барча шароитлар мавжуд.

Маърузачилар таъкидлашдики, бундай маънавий-сиёсий муҳит ҳаётимизни бойитиб, ёш авлод тарбиясига катта ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Юсуф ЖУМАЕВ.**

# BEAUTY EXPO UZBEKISTAN-2012 КЎРГАЗМАСИ

**Пойтахтимизнинг ёшлар ижод саройида "Beauty Expo Uzbekistan" гўзаллик саноати кўргазмасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.**

Кўргазмада Беларусь, Болгария, Греция, Германия, Ҳиндистон, Италия, Хитой, Корея, Покистон, Польша, Россия, Туркия, Украина, Франция, Швейцария ва Ўзбекистон Республикасидан жами 50 та компания иштирок этди.

Кўргазмадан хорижий ва маҳаллий компанияларнинг Beauty Expo-тери ва сочни парваришловчи воситалари, безакли косметика, гигиена воситалари, Salon Expo-профессионал косметика ва гўзаллик салонлари ҳамда эстетик тиббиёт клиникалари учун ускуналар, Fitness Expo-фитнес-марказлар учун ускуналар, тренажёрлар маҳсулотлари ўрин олган.

Кўргазма доирасида гўзаллик саноати мутахассислари учун маҳорат дарслари, косметология ва эстетик тиббиёт бўйича тақдимотлар ҳам ўтказилди. Ўзбекистон сартарошлар уюшмасининг сартарошлик санъати, безакли косметика ҳамда тирноқ дизайни семинарлари ҳамда тўй-соч турмаклари шоуси бўлиб ўтди.

**"Туркистон-пресс".**

## ДИҚҚАТ, ТЕНДЕР!

**Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси томонидан 2012 йил 8 август соат 17.00 да очиқ тендер ўтказилади.**

**1. ВХ-575 й.т.** "Чиноз шаҳри – Тошкент АББ" (такрорий)
**2. ВХ-581** "Чиноз шаҳри – Янгиобод ф/у" (такрорий)
**3. ШИ-19** "Чинор" маҳалласи – Айланма" (Чирчиқ ш.) (такрорий)
**4. ВХ-231** "Янгийўл АШБ – З. М. Бобур қ.ф.й" (такрорий)
**5. Битта пакет билан:**
**ВХ-277** "Янгийўл АШБ – Эпкенди қишлоғи"
**ВХ-289** "Янгийўл АШБ – Миришкор қишлоғи"
**ВХ-295** "Янгийўл АШБ – "Кескен" маҳалласи (такрорий)
**6. ВХ-392** "Пискент АШБ – Қуйлиқ АШБ (Туябўғиз орқали)" (такрорий)
**7. Битта пакет билан:**
**ВХ-501** "Мой қишлоғи – ТТЗ (Белоножка АШБ)"
**ВХ-507** "Қибрай АШБ – "Селекция" маҳалласи" (такрорий)
**8. ВХ-410 й.т.** "Олмалиқ АШБ – Қизил бирлик қишлоғи"
**9. ШИ-1 й.т.** "4-кичик ноҳия – Марказий бозор – Оқ қайин – 4-кичик ноҳия" (Оҳангарон ш.)
**10. ШИ-2 й.т.** "4-кичик ноҳия – Айлин фаб. – Марказий бозор – 4-кичик ноҳия" (Оҳангарон ш.)
**11. ШИ-3 й.т.** "4-кичик ноҳия – Марказий бозор – "Қўрғон" маҳалласи – 4-кичик ноҳия" (Оҳангарон ш.)
**12. ВХ-591 й.т.** "Тўйтепа АШБ – Тошкент (Офицерлар уйи)"
**13. ШИ-16 й.т.** "Қалмоққир бошқармаси – 80-сонли интернат-мактаби" (Олмалиқ ш.)
**14. ВХ-415 й.т.** "Муротали қишлоғи – Олмалиқ АШБ" (Тельман орқали) (Муротали томондан)
**15. ВХ-446 й.т.** "Тошгўштшаҳарчаси – Жанубий вокзал АШБ"
**16. ВХ-463 й.т.** "Зангиота мақбараси – Жанубий вокзал АШБ"
**17. ВХ-467 й.т.** "Ўзбекистон т.й ст. – Чилонзор 25-даҳа"
**18. ВХ-583** "Ниёзбош" маҳалласи – Чилонзор ББ – Жанубий вокзал АШБ"
**19. ВХ-381 й.т.** "Қуйлиқ АШБ – Паррандачилик фабрикаси"
**20. ВХ-426 й.т.** "Ўртасарой ф/у – Қуйлиқ АШБ"
**21. ШИ-2 й.т.** "УМК бозори – Киров қўрғони 16-сонли мактаб" (Бекобод ш.)
**22. ШИ-7 й.т.** "УМК бозори – Тўғон божхона пости" (Бекобод ш.)
**23. ШИ-9 й.т.** "Янгиобод – УМК бозори орқали – 14-даҳа, 82-уй" (Бекобод ш.)
**24. ШИ-13 й.т.** "УМК бозори – М. Турғунбоева номли маҳалла" (Бекобод ш.)
**25. ВХ-241** "Улуғбек номли маҳалла – Ширин АШБ"
**26. ВХ-434** "Тўйтепа АББ – Оҳангарон АШБ"
**27. ВХ-437** "Тўйтепа АББ – Қайтмас ф/у"
**28. ВХ-444** "А. Навоий ф/у – Қуйлиқ АШБ"
**29. ВХ-445** "Ўртасарой қ.ф.й. – Янгибозор АШБ" (Ўртасарой қ.ф.й. томондан)
**30. ВХ-447** "Бўзсув ф/у – Фарҳод бозори"
**31. ВХ-465** "М. Фозилов ф/у – Чорсу савдо маркази"

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 17 августдаги 350-сонли, 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли, 2011 йил 16 февралдаги 34-сонли ва Тошкент вилояти ҳокимининг 2011 йил 22 февралдаги 49-сонли қарорларига асосан, очиқ тендерда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган, давлат солиқ хизмати органларида ҳисобда турадиган автомобиль транспортида тегишли равишда шаҳар, шаҳар атрофида, шаҳарлараро, халқаро йўловчилар ташишларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга ҳамда тендер таклифларида тавсия этилаётган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия карточкаларига эга бўлган ҳар қандай юридик шахс қатнашиши мумкин. Ҳар бир транспорт воситасини битталаб кўрикдан ўтказиш бўйича белгиланган намунадаги, йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳудудий бошқармаси муҳри билан тасдиқланган ижобий хулосали далолатноманинг мавжуд бўлиши қатнашчи учун мажбурий шарт ҳисобланади. Тендер қатнашчиси айнан битта автотранспорт воситасини ҳар хил йўналишларга тавсия этишга ҳақли эмас.

Тугатиш ёки банкротлик босқичида турган ёхуд мулкига арест солинган талабгорларнинг тендерда қатнашишига йўл қўйилмайди.

Тендер ташкилотчиси – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 1 ноябрдаги 229-сонли, Тошкент вилояти ҳокимининг 2007 йил 14 ноябрдаги 248-сонли ва 2010 йил 18 октябрдаги 247-сонли қарорлари билан тасдиқланган Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси.

Комиссия манзили: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Авиасозлар кўчаси, 4/68-уй.

Очиқ тендерда иштирок этишни хоҳловчилар Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссиясига тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти ҳисоб рақамига "Ўзсаноатқурилиш Банк" (ОПЕРО ТГРФ УзПСБ)инининг Тошкент шаҳридаги Минтақавий бўлими 20210000404661167001 (банк коди 00424, ИНН 300625470, ХХТУТ 51600)га энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдорида пул ўтказиб, 2012 йил 3 август соат 18.00 гача буюртма беришлари лозим.

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси тендер таклифларини 2012 йил 7 август соат 18.00 гача қабул қилади.

**Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси 17-уй.**
**Вилоят ҳокимиятининг кичик мажлислар зали.**
**Маълумот учун телефон: (+99871) 294-92-43.**

### «Respublika Mulk Markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига такроран Чиноз тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент вилояти судининг 24.06.2010 йилдаги 2-42/2010-сонли ижро варақасига асосан хатланган "Чиноз Автотулпори" МЧЖга тегишли, "Vita Spring" ХК ҳовлисида ва "Чиноз Оқ Той" МЧЖга тегишли, Чиноз тумани, Чиноз қўрғонида сақланаётган:

1. "Мидибус М-24,9" русумли, д/р 11AJ916 бўлган, 2002 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 10 288 174 сўм;
2. "Мидибус М-24,9" русумли, д/р 11AJ904 бўлган, 2002 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 10 288 174 сўм;
3. "Мидибус М-24,9" русумли, д/р 10 273 ААА бўлган, 2002 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 12 701 415 сўм;
4. "Мидибус М-24,9" русумли, д/р 11АО338 бўлган, 2001 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 2 931 105 сўм;
5. "Мидибус М-24,9" русумли, д/р 11АО349 бўлган, 2001 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 2 931 105 сўм;
6. "Мидибус М-24,9" русумли, д/р 11АО356 бўлган, 2001 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси -1 954 070 сўм;
7. "Мидибус М-24,9" русумли, д/р 10 119 ВАА бўлган, 2002 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 12 701 450 сўм;
8. "Мидибус М-24,9" русумли, д/р 10АО278 бўлган, 2001 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 1 954 070 сўм;
9. "Мидибус М-24,9" русумли, д/р 10АО357 бўлган, 2001 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 10 747 380 сўм;
10. "Мидибус М-24,9" русумли, д/р 10АО339 бўлган, 2001 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 2 931 171 сўм;
11. "Мидибус М-23,9" русумли, д/р 11AQ152 бўлган, 2001 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 7 335 197 сўм;
12. "Мидибус М-23,9" русумли, д/р 11АО277 бўлган, 2001 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 5 030 999 сўм;
13. "Мидибус М-23,9" русумли, д/р 11АО344 бўлган, 2001 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 7 647 119 сўм;
14. "Мидибус М-23,9" русумли, д/р 11АО160 бўлган, 2001 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 2 931 105 сўм;
15. "Мидибус М-23,9" русумли, д/р 11AQ155 бўлган, 2001 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 7 987 214 сўм;
16. "Газ-33029" русумли, д/р ва и/ч йили номаълум автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 901 097 сўм;
17 "Победа Газ-20" русумли, д/р 30R1956 бўлган, 1954 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 3 981 860 сўм.

Аукцион савдолари 2012 йил 24 июль куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Такроран ўтказиладиган аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 20 июль куни соат 18.00.

Савдога қўйилган автомототранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Respublika Mulk markazi" ЁАЖнинг ОАИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО 01036, ИНН 200933850. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. Гувоҳнома № 006231.

### «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

I. Аукцион савдоларига Юқори Чирчиқ туман СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда:

1. Тошкент вилоят хўжалик судининг 2011 йил 16 майдаги 11-1132/6572-сонли ижро варақасига асосан, "Яссавий Агросервис" МЧЖга тегишли Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, Суранкент ҚФЙ манзилида жойлашган, умумий ер майдони 6793,75 кв.м, қурилиш майдони 1942,73 кв.м бўлган гараж биноси. Бошланғич баҳоси – 272 349 000 сўм.

2. Тошкент вилоят хўжалик судининг 2011 йил 16 майдаги 11-1132/6571-сонли ижро варақасига асосан, "Арганчи универсал сервис" МЧЖга тегишли Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, Арганчи ҚФЙ манзилида жойлашган, умумий ер майдони 224,29 кв.м бўлган гараж биноси. Бошланғич баҳоси – 33 921 000 сўм.

II. Аукцион савдоларига Чиноз туман СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

1. ФИБ Тошкент вилоят Зангиота туманлараро судининг 2011 йил 27 июндаги 1-920911-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Чиноз ҚФЙ ҳудудида жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 1129,17 кв.м. бўлган, бино-иншоотлар. Бошланғич баҳоси – 250 000 000 сўм.

2. Тошкент вилоят хўжалик судининг 2011 йил 22 июлдаги 11-1128/10506-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Янги Чиноз қўрғони, Навруз кўчаси ҳудудида жойлашган, "Чиноз йўл ХПТФД" корхонасига қарашли "Йўл қурилиш таъмирлаш" маъмурий биносидан иборат бўлган бино-иншоотлар. Бошланғич баҳоси – 74 430 000 сўм.

3. Тошкент вилоят хўжалик судининг 2009 йил 17 августдаги 11-0928/9686-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Чиноз шаҳри, Ф. Хўжаев кўчасида жойлашган, "Чиноз" МТП ДАЖ маъмурий биносидан иборат бўлган бино-иншоотлар. Бошланғич баҳоси – 70 010 000 сўм.

Аукцион савдолари 2012 йил 23 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 20 июль куни соат 18.00.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "КМСХ" МЧЖнинг "Ипак йўли банки" ОАИТБ Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО 01036, ИНН 207122519. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

### «KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига такроран қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда: I. Ўзбекистон Республикаси Суд департаментининг Суд қарорларини ижро этиш бошқармаси томонидан тақдим қилинган Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 05.03.2012 й.даги ЖСХ-1-69/12-сонли ижро варақасига асосан, "Экокимёбиосервис" МЧЖга тегишли: 1) Бошланғич нархи – 604 310 000 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Тузель Қ.Ф.Й.да жойлашган, умумий майдони 6377,43 кв.м., қурилиш ости участка майдони 1121,4 кв.м., ҳозирги кундаги ҳолати бўйича қурилиш ости майдони 1345,65 кв.м. бир қаватли, конструкция тури ғишт, шлакоблок, темир, асосий бинолар сони 13 та, ҳозирги кундаги фактик асосий бинолар сони 11 та, кадастр ҳужжатида кўрсатилган жами 201,29 кв.м. бўлган қурилмалар, яъни ертула биноси, хизматчи бино, қурилиши тугалланмаган устхона, 2 та бостирмаси бузиб ташланган "Автосарой" бино-иншоотлари; 2) Бошланғич нархи – 1 043 290 000 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Бўстонлиқ Қ.Ф.Й., Бакачул қишлоғида жойлашган, умумий майдони 23641,03 кв.м., қурилиш ости участка майдони 748,14 кв.м., 3 қаватли, конструкция тури ғиштли, асосий бинолар сони 1 та, ёрдамчи бинолар 9 та, ҳужжатсиз қурилган ҳовузи мавжуд бўлган "Дам олиш маскани" бино-иншоотлари; 3) Бошланғич нархи – 653 690 000 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Бурчмулло қишлоғи, Д. Тусметов кўчасида жойлашган турар-жойнинг умумий майдони 792 кв.м., қурилиш ости участка майдони 730,4 кв.м., 2 қаватли, 2008 йилда қурилган, конструкция тури ғиштли, асосий бинолари сони 2 та, ёрдамчи бинолари 7 та, биринчи қаватдаги омборхонаси яшаш ҳолатига келтириб, қайта таъмирланган далаҳовли.

Аукцион савдолари 2012 йилнинг 20 июль куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001 ҳисоб рақами, МФО 00425, СТИР 207128747, ОКОНХ 83400 га тўлашлари шарт.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар расмий иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига расмий бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: № 0039.

ООО "INSOF BIZNES" (ИНН 301199922, ОКОНХ 71280) Гувохнома № 003325-05 от 26.05.2009 г., зарегистрированный отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Алмазарского (быв. С. Рахимовского) района г. Ташкента, расположенного по адресу: ул. Уразбаева, д. 19-Б, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (Решение № 1 от 03.07.2012 г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев с момента опубликования объявления.

UZTELECOM

*Ҳурматли абонентлар,*
*Тошкент шаҳри аҳолиси ва меҳмонлари!*

**«Toshkent shahar telefon tarmog`i» филиали**

телекоммуникация тармоғидан Тошкент шаҳридаги шошилинч ва маълумотлар хизматига чиқиш тартиби 101, 102, 103, 104, ..., 10хх рақамларини териш билан амалга оширилмоқда.

- «101» (ёнғин хавфсизлиги хизмати)
- «102» (милиция)
- «103» (тез ёрдам)
- «104» (газ хизмати)
- «1050» (қутқарув хизмати)
- «10хх» (бошқа хизматлар)

Қўшимча маълумотлар учун 200-31-31 ёки 1064 рақамига мурожаат қилинг.

## ФРАНЦУЗ СКРИПКА УСТАСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

**Жорий йилнинг июль ойида Ўзбекистонда машҳур француз скрипкачиси Фредерик Пелассининг концерт дастурлари ташкил этилади. Бу концертлар Франция миллий байрамига бағишлаб ўтказилади.**

Мазкур концерт дастури Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ва Француз институти ташаббуси билан ташкил этилмоқда.

Француз скрипка устаси Фредерик Пелассии юртимизга илк бора келганида машҳур композиторлар Лало ва Франк асарларини муваффақиятли ижро этганди. Кутилаётган ташрифи доирасида у Теодор Дюбуанинг скрипка ва оркестр учун концертини классик мусиқа мухлислари эътиборига ҳавола этади.

Скрипкачининг биринчи концерти жорий йилнинг 8 июль куни Самарқанддаги 1-мусиқа ва санъат мактабида, иккинчиси – 12 июлда Тошкент Давлат Консерваториясининг катта залида, учинчи концерти эса 14 июлда Франция элчихонасида бўлиб ўтади.

Фредерик Пелассии бугунги кунда Франциянинг машҳур скрипкачилари қаторидан муносиб ўрин олган. У ўзининг ижодий фаолияти давомида турли минтақаларда 20 дан ортиқ мусиқий дисклари ҳамда 1000 дан зиёд концерт дастурларини тингловчиларга тақдим этган. Шунингдек, Фредерик Пелассии Париждаги Гектор Берлиоз номидаги консерваторияда ёш мусиқачиларга дарс бериш билан бир вақтда Европа давлатларида мастер-класслар ўтказиб келмоқда.

**"Туркистон-пресс".**

### «SPARETRA» МЧЖ ихтисослаштирилган корхонаси бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Зангиота тумани СИБ томонидан № 3966/6-сонли ижро ҳужжатига асосан 1988 й. и/ч. "ЭО-2621В2" русумли, д/р. 33-12 ЕР бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 3 879 000 сўм. Зангиота тумани ИИБ жарима майдончасида сақланмоқда. Савдога Оҳангарон тумани СИБ томонидан 06.03.2012 й. № 769-сонли ижро ҳужжатига асосан 1991 й. и/ч. "ТЦ 11м-1/20" русумли, д/р. 10 1799 АА бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 10 000 000 сўм ва 1986 й. и/ч. "Камаз 5410" русумли, д/р. 10 Е 343 ЕА бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 10 000 000 сўм. Оҳангарон шаҳар Холмуҳаммедов кўчасида жойлашган нотураржой биносида сақланмоқда. Савдога Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан 16.01.2012 й. № 371-сонли ижро ҳужжатига асосан 2006 й. и/ч. "Матиз" русумли, д/р. 01 Y 036 АА бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 9 719 775 сўм. Савдога Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан 07.02.2012 й. № 1497-сонли ижро ҳужжатига асосан 1992 й. и/ч. "Опел Вектра" русумли, д/р.сиз бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 6 699 174 сўм. Савдога Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан 30.05.2012 й. № 4601-сонли ижро ҳужжатига асосан "Шевролет корико" русумли, д/р.сиз бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 4 390 200 сўм. Чирчиқ шаҳар ИИББ ЙПХ жарима майдончасида сақланмоқда. Савдога Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан 29.04.2011 й. № 4160-сонли ижро ҳужжатига асосан 1983 й. и/ч. "Москвич-412" русумли, д/р. 11 Т 5619 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 903 960 сўм. Чирчиқ шаҳар Зеромиллер МЧЖда сақланмоқда. Савдога Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан 09.04.2012 й. № 4970-сонли ижро ҳужжатига асосан 2001 й. и/ч. "Нексия" русумли, д/р. 11 S 1020 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 16 855 335 сўм. 1-сонли Ички ишлар бўлимида сақланмоқда. Савдога Чиноз тумани СИБ томонидан 16.01.2012 й. № 2-164/02-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент вилояти Чиноз туманидаги "Чиноз Пахта Тозалаш Заводи" ОАЖда сақланаётган: 1. Махсус кийим 500 дона. Бошланғич баҳоси – 13 000 000 сўм. 2. Шетка меҳнат 2000 дона. Бошланғич баҳоси – 9 000 000 сўм.

3. НШ насос 1 дона. Бошланғич баҳоси – 4 000 000 сўм. 4. Вентилятор ВЦ 12 1 дона. Бошланғич баҳоси – 8 252 500 сўм. 5. Вентилятор ВЦ 12 1 дона. Бошланғич баҳоси – 5 652 500 сўм. 6. Автомат 160А 5 дона. Бошланғич баҳоси – 2 500 000 сўм. 7. Эл. двигател 1 дона. Бошланғич баҳоси – 24 500 000 сўм. 8. Редуктор РУ 2 дона. Бошланғич баҳоси – 13 120 000 сўм. 9. Вентилятор ВЦ 12 2 дона. Бошланғич баҳоси – 25 290 000 сўм. 10. Крилчатка вентилятора 2 дона. Бошланғич баҳоси – 3 908 000 сўм. 11. Изолятор подстанция учун 4 дона. Бошланғич баҳоси – 1 000 000 сўм. 12. Корпус подшипник 3 дона. Бошланғич баҳоси – 150 000 сўм. 13. Вентилятор ВЦ 8 5 дона. Бошланғич баҳоси – 29 450 000 сўм. 14. Электродвигатель асинхронний АО2 2 дона. Бошланғич баҳоси – 27 200 000 сўм. 15. Электродвигатель АИР-250СУ2 1 дона. Бошланғич баҳоси – 13 600 000 сўм. 16. Тент из брезентного полотна 50 дона. Бошланғич баҳоси – 36 250 000 сўм. 17. Сушилний шкаф ШСХ-1 1 дона. Бошланғич баҳоси – 24 225 000 сўм. 18. Микроскоп биологический упрошенний МБУ-6 1 дона. Бошланғич баҳоси – 427 500 000 сўм. 19. Вентилятор ВЦ 10 1 дона. Бошланғич баҳоси – 8 664 000 сўм. 20. Центрифуга 1 дона. Бошланғич баҳоси – 26 600 000 сўм. 21. Платфотменные автомобильные весы на 30 тонн 1 дона. Бошланғич баҳоси – 76 000 000 сўм. 22. Электродвигатель асинхронний АО2 1 дона. Бошланғич баҳоси – 13 569 760 сўм. 23. Джин лабораторный 1 дона. Бошланғич баҳоси – 33 705 430 сўм. 24. Дверь двустворчатая 1 дона. Бошланғич баҳоси – 1 200 000 сўм. 25. Электродвигатель 5 АМХ180S4У3 6 дона. Бошланғич баҳоси – 27 900 000 сўм. 26. Электродвигатель АИР-225М4У2 2 дона. Бошланғич баҳоси – 22 809 600 сўм. 27. Газовый котел 1 дона. Бошланғич баҳоси – 3 002 000 сўм. 28. Атоматический газовый нагреватель 1 дона. Бошланғич баҳоси – 2 375 000 сўм. 29. Станина 4 дона. Бошланғич баҳоси – 494 000 сўм. 30. Бензиновый генератор 1 дона. Бошланғич баҳоси – 2 700 000 сўм. 31. Бензиновый генератор 1 дона. Бошланғич баҳоси – 2 700 000 сўм. 32. Бензиновый генератор 2 дона. Бошланғич баҳоси – 7 200 000 сўм. 33. Проектор для установки и укрепления вентилятора ВЦ 10 2 дона. Бошланғич баҳоси – 1 140 000 сўм. 34. Проектор для установки и укрепления вентилятора ВЦ 12 2 дона. Бошланғич баҳоси – 1 197 000 сўм. 35. Канат 300 дона. Бошланғич баҳоси – 3 000 000 сўм. 36. Подшипник 6306 200 дона. Бошланғич баҳоси – 3 045 200 сўм. 37. Подшипник 6304 200 дона. Бошланғич баҳоси – 2 870 400 сўм. 38. Подшипник 6305 200 дона. Бошланғич баҳоси – 2 995 200 сўм. 39. Подшипник 11210К 400 дона. Бошланғич баҳоси – 14 055 600 сўм. 40. Подшипник 11204К 400 дона. Бошланғич баҳоси – 13 228 800 сўм. 41. Подшипник 11207К 200 дона. Бошланғич баҳоси – 6 935 800 сўм. 42. Подшипник 11310 115 дона. Бошланғич баҳоси – 5 635 000 сўм. 43. Автоматический выключатель 67 дона. Бошланғич баҳоси – 4 727 520 сўм. 44. Автоматический выключатель 25 дона. Бошланғич баҳоси – 12 862 500 сўм. 45. Контакторы электромагнитные 2 дона. Бошланғич баҳоси – 8 000 000 сўм. 46. Контакторы электромагнитные 4 дона. Бошланғич баҳоси – 12 000 000 сўм. 47. Пилки ЧХ 8000 дона. Бошланғич баҳоси – 36 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2012 йил 3 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар 2012 йил 3 август куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 20 август куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Савдога қўйилган мулклар билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "SPARETRA" МЧЖ ихтисослаштирилган корхонасининг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104887305002, МФО 00425, ИНН 301829604. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Тел.: 266-80-76.

Гувоҳнома № 004593.

ООО "PROFQURILISH" (ИНН 205359381), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Яккасарайского района г. Ташкента, расположенное по адресу: ул. Бобура, 3, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (Протокол собрания № 3 от 03.07.2012 г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 185-43-75.

ООО "KONDITER LYUKS" (ИНН 301851032) Яккасарайского района сообщает об уменьшении уставного фонда с 538 768 909 сум до 428 583 329 сум.

ИП ООО "RAMEL TEKSTIL", Яккасарайского района г. Ташкента сообщает об уменьшении уставного фонда с 666 680,74 долларов США до 404 206,04 долларов США. По всем вопросам обращаться по адресу: 100100, г. Ташкент, Яккасарайский район, ул. У. Носира, д. 66, кв. 4. Тел.: 172-00-47, 176-16-20.

Утерянную лицензию АТ № 0018581 на автобус ISUZU SAZ NP-37, гос. № 01 695 FBA, выданную 26.05.2011г. Тошкент вилоят ҳокимлигининг йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти на ООО "XIKMAT TRANS" от 25.05.11 АТ 0000398,

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНОЙ.**

Тошкент шаҳар, Олмазор туманидаги 310-мактаб ва ихтисослаштирилган мактаб лицейи томонидан 1995 йилда Рахманов Акмалхон Акбарович номига берилган № 005591 рақамли 11-синфни тамомлаганлиги ҳақидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Яккасарой тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан рўйхатдан ўтган "BETON QURILISH SERVIS" МЧЖга тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Чилонзор туманида рўйхатга олинган (СТИР 302095846) "SPATIUM TEX" МЧЖ устав фонди миқдори 203 625 000 сўмдан 167 985 000 сўмга камайишини маълум қилади. Тел.: 251-95-54.

ШЕЪРИЯТ

## УМР ТУЛПОРИ

*Сенсан осмонимга михланган Ҳулкар,*
*Порлайсан, лек тафтинг менга етмайди.*
*Чопиб бораётир умр отли тулпор –*
*Минг бор нола қилгин – ортга қайтмайди.*

*Вақтни қўллар билан тутмоқлик душвор,*
*Лекин муҳаббатсиз ҳаёт ўтмайди.*
*Бахт учун не керак – ҳамма нарсам бор,*
*Фақат сенда қолган севгим етмайди.*

*Юрагим тош бўлиб бормоқда, дилдор*
*Энди таъналаринг менга ботмайди.*
*Чопиб бораётир умр отли тулпор,*
*Минг бор нола қилгин – ортга қайтмайди...*

## ДЎСТЛАРИМ КИМ?

*Бир хили бор – мақтовларга зўр,*
*Яхши кунда хайрихоҳларим.*
*Бахтимга жўр, омадимга жўр,*
*Ҳамдастурхон, ҳамтовоқларим.*

*Бир хили бор – қалбида иймон,*
*Меҳри зиё, ҳам қуёшларим.*
*Оғир кунда елкадош, қалқон,*
*Ҳамдардларим ва ғамдошларим.*

*Бировини қилмайман писанд,*
*Бировини кўтаргум бошга.*
*Англаганим бир ҳикмат, зотан –*
*Ҳамдард бошқа, ҳамтовоқ бошқа.*

## ТЎРТЛИКЛАР

*Насия излама, топсанг, нақд яхши,*
*Бировга ялинмай ўтган вақт яхши.*
*Эрта келиб, эрта кетган толедан,*
*Кеч келиб, сен билан қолган бахт яхши.*

* * *

*Бошга не савдолар солса ҳам замон*
*Бойликни қувламай яшадим омон.*
*Бойлик ўзи мени юради қувиб –*
*Лекин билолмадим – етаркан қачон.*

* * *

*Буни эсла ёки қалбга ёзиб ол,*
*Доноларни кўрсанг, йўлин тўсиб ол.*
*Улардан сен фақат ҳикматни сўра –*
*Бўйнингга кўзтумор қилиб осиб ол.*

**Нурали ЖАЛИЛ.**

СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ



*РЕСПУБЛИКА КУБОГИ*

## ФУТБОЛ ЮЛДУЗЛАРИ ЎЙИНГОҲЛАРДА КАШФ ЭТИЛАДИ

**Илгари хабар қилганимиздек, республика Президентининг "2011-2013 йилларда республика футболининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ҳар йили 11-12, 13-14, 15-16 ёшли болалар ва ўсмирлар ўртасида анъанавий "Футболимиз келажаги" республика кубоги мусобақалари ўтказилмоқда.**

Вилоятимизда 13-14 ёшлилар ўртасида ўтказилган маҳалла, туман ва шаҳарлардаги саралаш босқичида 23 минг 313 бола иштирок этди. Ғолиб жамоалар 27 июнь куни Олмалиқ шаҳри, Бўка, Қуйи Чирчиқ ва Қибрай туманлари футбол майдонларида вилоят финал босқичига чиқиш учун баҳслашдилар.

Саралашдан ўтган жамоаларнинг финал босқичидаги ўзаро беллашувлари якунига кўра, 1-ўринни Қибрай туманидаги Ш. Рашидов номли, 2-ўринни Олмалиқ шаҳридаги "Чамбил", 3-ўринни Қуйи Чирчиқ туманидаги "Ишчилар", 4-ўринни эса Ўрта Чирчиқ туманидаги Шарофуддинов номли маҳалла футбол жамоалари эгаллашди.

Мусобақа иштирокчиларига "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг вилоят бўлими томонидан медаллар ва эсдалик совғалари топширилди.

**Ўз мухбиримиз.**

*ҚЎЛ ЖАНГИ*

**Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуасида қўл жанги бўйича ёшлар ва катталар ўртасида Марказий ҳарбий спорт клуби (МҲСК) кубоги учун республика турнири ташкил этилди.**

## МҲСК ВАКИЛЛАРИ – ҒОЛИБ

Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари қўл жанги федерацияси томонидан ўсиб келаётган ёш авлод ўртасида спортни, жумладан, унинг қўл жанги турини оммалаштириш, ўғил-қизларни ватанпарварлик руҳида мард ва жасур инсонлар этиб вояга етказиш, ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган мусобақада юртимизнинг турли ҳудудларидан 300 нафарга яқин спортчи ғолиблик учун куч синашди.

Катталар ўртасидаги баҳсларда Марказий ҳарбий спорт клуби аъзоларидан Ҳасан Баратов, Шоҳруҳ Рўзиев, Шамсиддин Йўлдошев, Мурод Хонтўраев, пойтахтлик Даврон Авалбоев, Ички ишлар вазирлиги жамоаси аъзоси Нормуҳаммад Хўжаниёзов, қашқадарёлик Бобур Қурбонов ва фарғоналик Элёр Ғофуров олтин медални қўлга киритди.

Ёшлар ўртасидаги беллашувларда пойтахтлик Улуғбек Низомиддинов, Тошкент вилоятидан Илёс Комилов, фарғоналик Ғиёсиддин Жамолиддинов, қашқадарёлик Бобур Сулаймонов, Комил Маҳмудов, навоийлик Фаррух Неъматов ва Ҳасан Ўроқов ғолиб чиқди.

Қизлар ўртасида ўтказилган баҳсда андижонлик Шаҳноза Бозорова ва навоийлик Нима Султонова ўз вазн тоифасида олтин медаль билан тақдирланди.

Умумжамоа ҳисобида Марказий ҳарбий спорт клуби спортчилари биринчи ўринни эгаллади.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири.**

КЎРГАЗМА

## ИЖОД НАМУНАЛАРИ НАМОЙИШИ

**Тошкент Фотосуратлар уйида ижодий фотомактаб студияси битирувчиларининг анъанавий XII ҳисобот кўргазмаси очилди.**

Кўргазма экспозициясидан 22 та иштирокчининг портрет, манзара, натюрморт, репортаж ва бошқа жанрлардаги 200 га яқин ишлари ўрин олган. Аксарият муаллифлар учун ушбу кўргазма илк намойиш – дебютдир.

Битирувчиларнинг кўргазмага қўйилган ишларида турли миллат вакиллари ҳаёт тарзининг айрим қирралари айниқса, хотин-қизлар сиймолари, беғубор болалик, йилнинг турли фасллари акс этган. Шунингдек, Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган қатор фотолавҳалар кишини бефарқ қолдирмайди.

Евгений Бельковнинг "Чорвоқда тонг отиши", "Коржанту чегараси", Комила Галицкаянинг "Бурчмулла, Чорвоқдаги оқшом", Жанна Морозованинг "Чимён йўли", "Чорвоқ денгизи. Сувдаги сайр", "Кўлдаги қуёш", "Чимён тоғлари чўққиси", Шерзод Расуловнинг "Тоғ йўли", "Чирчиқ атрофи", "Мойчечак", Людмила Шекнинг "Билдирсойда. Парвоз жойида", "Илинсин кичкина ва катта балиқ" ишлари кишига эстетик завқ бағишлайди.

Кўргазмада битирувчиларга фотомактаб студиясини тугаллаганлик ҳақида сертификатлар топширилди.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.**

ТОШКЕНТ ВОҲАСИ: АФСОНА ВА ҲАҚИҚАТ

## БАХТЛИ КЕЛАЖАК

### *тарихий хотира ва қалб амри билан яратилади*

Бу чек-чегарасиз дунёда ҳеч нарса изсиз йўқолиб кетмайди. Бутун бошли шаҳарларнинг ер юзидан супирилиб кетиши, буюк шахслар ва йирик воқеа-ҳодисаларнинг унут бўлиши бизнинг тасаввуримизда юз берувчи рўё холос. Вақт аталмиш омил эса, узоқ асрлар давомида гўё у қадар муҳим бўлмаган нарсаларни ўзида мудом ёрқин акс эттириб турибгина қолмай, уларни абадийлаштиради ҳам.

Тарихнинг улкан ғалвири ҳисобланмиш Вақт буюк ва шонли ўтмишнинг бутун мазмун-моҳиятини ўз бағрига сингдириб, биз – инсонларда Хотира саодатини шакллантиради, Қалб қонунига монанд Хотира ҳуқуқини инъом этади.

Қалб – соатнинг энг зарур мурувватидек, тўхтовсиз уриб туришга даъват этилган. Вақт китобида ўз изларини қолдирган буюк қалб эгалари эса, бугун бизга ортга, узоқ ўтмишга назар ташлаш ва уни юрагимиздан ўтказиш имконини беришяпти.

Буюк ипак йўлидаги катта-кичик шаҳарлар... Номдор зотлар, воқеалар... Булар мушоҳада-мулоҳаза ва ижод қилиш учун, китоб ва фильмларга битмас-туганмас манбалардир. Булар бизнинг қалбимиз, юрагимиз учун айни зарур воқеликдир. Зеро, биз она заминимизнинг ўтмиши, тарихи ва маданиятининг мазмун-моҳияти ва тагсиз тубига чуқур кириб борганимиз сари шу заминга янада яқинлашаверамиз.

Вилоятимизда тарихий ва диққатга сазовор қадамжолар кўп. Юзлаб археологик ёдгорликлар билан бирга қўриқланадиган маданий мерос объектлари рўйхатига бир қатор қадамжолар ҳам киритилган.

Биз Қибрай туманидаги Бувр ота, Кўктўнли ота, Қорасоқол ота қадамжолари ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз. Ака-ука Кўктўнли ота ва Қорасоқол оталарни бугун яна бир бор эсга олмоқчимизки, боиси – ҳикоямиз уларнинг қондоши Қиличли ота ҳақида боради.

Бундан уч асрча муқаддам ҳозирги Байтқўрғон қишлоғи ҳудудида бирин-кетин уй-жойлар пайдо бўла бошлади. Бироқ, қидирув-тадқиқот ишлари жараёнида қўлга киритилган маълумот-ашёлар XVI асрга тааллуқли. Дастлабки тадқиқотлар 1935 ва 1939 йилларда (В. Д. Жуков) ўтказилди. Кейинчалик бу ҳудудда Чорвоқ археологик отряди қидирув-тадқиқот ишларини олиб борди (1964 йил).

Ривоятларга қараганда, бу ерларда қақшатқич жанглар бўлиб ўтди. Унда уч ака-ука – Кўктўнли ота, Қорасоқол ота ва Қиличли ота ҳалок бўлишди. Қиличли ота оға-иниларнинг энг кучлиси ва эпчили эди. У узоқ жанг қилди, аммо, унинг тақдирига ҳам шу жангда ўлиш битилган экан. Ака-укалар аёвсиз жанг қурбони бўлишсада, ўз қонлари эвазига урушни тўхтатишга муваффақ бўлишди.

Бир-биридан уч чақиримча масофада, бир чизиқда жойлашган бу учта алоҳида-алоҳида жой зиёратгоҳга айланган. Кўктўнли отанинг ҳоки ўртада



бўлиб, қабри узра мақбара тикланган. Қолган икки ака-ука – Қорасоқол ота ва Қиличли ота қабрлари эса бундай эъзоздан бенасиб қолган. Уларнинг мозорлари ўт-ўланлар орасида деярли кўринмайди.

Бугунги кунда айнан Қиличли отанинг қисмати бу жойлар тарихига бефарқ бўлмаганларнинг барчасини ташвишга солмоқда. Қиличли отада яшовчи Давлат ота ва Комил ота кекса авлод сифатида бу қадамжоларнинг аҳволи хусусида, айниқса, жиддий қайғурмоқдалар. Албатта, биз бу масалани биргаликда муҳокама қилдик ва ҳозир бу жойларни ободонлаштиришга ҳаракат қилинмоқда. Икки гектардан кенгроқ майдон аёвсиз жанглар ва тинч-осойишта кунлар изларини сақлаб келмоқда. Қучоқласа бир ярим метрдан ошадиган кўҳна дарахт тўнкалари қалин чангалзор остида қолиб кетган.

Қиличли ота мозори ёнида яна иккита қабр бор. Бу ерга кимлар дафн этилганини энди биз ҳеч қачон билолмасак керак. Аммо муҳими, бизнинг бундай қадамжоларга муносабатимизда. Шубҳа йўқки, биз қадамжоларни эъзозлаб, яхши сақласак, ёш авлод ҳам шу анъанага амал қилади.

Немис шоири Генрих Гейне "Ҳар бир қабр заминида бутунжаҳон тарихи ётибди" деган эди. Бир рус ёзувчиси шу фикрни давом эттириб, "Менсиз халқнинг бир томони кемтикдир" деб ёзади. Ҳа, Ватанимизнинг мероси улкан ва бебаҳо! Меъморий ва археологик, тарихий ва ёзма монументал санъат ёдгорликлари, афсона ва ривоятлар биз учун руҳий куч-қудрат, фарзандларимиз ўсиб-улғаядиган руҳий иммунитет пойдеворидир. Айнан шу руҳий иммунитет инсоният такомил чўққисига эришиши учун ноёб ва буюк ижодий куч бағишлайди. Бу хотира саодати билан яшаш ва қалб амри билан яратиш, бунёд этиш демакдир.

**Зарифа ЭШМИРЗАЕВА,**
**халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси вилоят бўлими бошқаруви раиси.**

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

## ЁТОҚ ТЕКИН, ТОМОҚ ТЕКИН, ЛЕКИН...

Бекободлик Раматбой Ғозиевнинг таржимаи ҳоли оддий. Унда, жумладан, шундай сўзлар бор: "...маълумоти ўрта, оилали, муқаддам судланмаган, ҳарбий хизматга мажбур эмас, вақтинча ишсиз..."

"Бекорчилик – безорилик" дейишади. Бўлмаса, дурустгина оиласи бор Раматбойга нима етмаган эди. Тўғри, бир-икки йил ўзга юртда ишлаб, бориш-келишнинг ҳадисини олган. Йўлда-чўлда танишган оғайнилари, ҳамтовоқлари кўп. Бу имкониятдан фойдаланмаслик ҳам уқувсизлик бўларди, унинг наздида. Ахир, ўзлари илтимос қилиб турганларидан кейин...

Узоқ қариндошлари унинг Россияга тез-тез бориб келаётганидан хабар топиб, "менинг ҳам ўғлимни обкет", деб илтимос қилишди. Новосибирскдаги қурилишлардан бирида оддий ишчи бўлган Раматбой "оз ишлаб кўп пул топиш" илинжида юрганлар учун гўё бир халоскорга айланди.

– У ёқда бир ойда 1 минг АҚШ доллари ишлашингиз мумкин, – деди у талабгорларга. – Ётоқ, овқат текин, йўл кирани фирманинг ўзи тўлайди. Фақат қурилишда ғишт териш, сувоқ, кафель ёпиштиришни билсангиз бўлгани...

Аслида ҳам унинг сўзларида жон бордек эди. Раматбой ишлаган фирмага арзон ишчи кучи керак эди.

– Бошланишига қандай бўлса ҳам, одам йиғиш керак, у ёғи бир гап бўлар, – деган эди унинг ҳамтовоғи Арсен.

Бир қарашда Раматбойнинг бу иши беғараз. Талабгорларга яхшигина ҳақ тўланадиган иш топиб беряпти... Аслида-чи?!

...Ойига 1000 доллар иш ҳақининг дарагини эшитганлар зумда тўпланишди. Аҳмаджон, Мақсаджон, Зафаржон, Абдурасул, Қобилжон ва Ҳакимжонлар (исмлар ўзгартирилган) ўз ихтиёрлари билан паспортларини Раматбойга, кейин унинг ҳамтовоқларига топширишди. Дастлаб йўл кира, фирма ҳисобидан дейилган бўлса-да, ҳаммасидан 30 мингдан пул йиғиб олинди. Раматбойдан кейин "арзон ишчилар"нинг тақдири Холмурод исмли йигитнинг қўлига ўтди. У одамларни Россияга жўнатиш билан шуғулланар эмиш. Холмурод ҳам анойимас. Расул билан Мақсаднинг паспортларида камчилиги бор деб, божхонадан омон-эсон ўтиб олишлари учун 140 минг сўм кераклигини айтди. Аммо уларда шунча пул йўқлиги учун Раматбой уйдан олиб келиб бериш баҳонасида орқасига қайтди. Шунча "меҳрибончиликнинг" боисини одамгарчилик деб тушунган "қурувчилар бригадаси" Холмуроднинг етовида Россияга қатновчи автобусга чиқиб жойлаша бошлашди. Божхонадан омон-эсон ўтиб олган "қурувчи"ларнинг чеҳрасида енгил табассум, мамнун ҳолда "Новосибирск, қайдасан?" дея йўлга равона бўлишди. Уларни қучоқ очиб кутиб оладиган қурувчилик фирмаси раҳбарлари, бепул ётоқхона, текин овқату ҳар ойда 1000 доллар бериладиган маошни ўйлаб ширин энтикиб қўйишарди.

Ширин орзулар оғушида йўлдаги қийинчиликлар ҳам сезилмади. Аммо, у ерга етиб боришгач, "чучварани хом санашгани" маълум бўлиб қолди. Уларни Раматбой айтган на Арсен ва на бошқа ходимлар кутиб олишди...

Энди "арзон ишчи кучи" керак бўлган Арсеннинг эртагини эшитинг. Эмишки, иш билан Красноярск шаҳридан келаётганида машинаси бузилиб қолган. Уни тузатиб, йўлга чиққунча 1-2 кун ўтиши, унгача қурувчилар унинг уйига бориб турса, уларнинг паспортларини ҳайдовчига йўл кирани тўлаб, кейин олишини айтган. Автобус эгаси Хосият эса бунга кўнмай, уларни яна қайтиб олиб кетган. Уларни "кафиллик"ка олган Раматбойга "Агар йўл кира тўланмаса, йигитларни Қозоғистон чегарасида ушлаб туравераман" деб дўқ қилади. Ўз уйида ўтирган Раматбойга бу гаплар қандай таъсир қилгани бизга қоронғу. Аммо йигитларнинг ота-она, қариндош-уруғлари Раматбойнинг устидан ҳуқуқ-тартибот органларига шикоят қилишгач, барча харажатлар жавобгар томонидан қопланиб, "жабрланувчи"лар ўз уйларига омон-эсон, аммо, қуруқ қўл билан қайтиб келишди.

Қиссадан ҳисса шуки, "Бир балоси бўлмаса, шудгорда қуйруқ на қилур!" ёки "Ўзганинг ёғлиқ ошидан ўзингнинг ёвғон шўрванг афзал!" деб бекор айтишмаган. Раматбойнинг режаси иш берганида ҳам "қурувчи" йигитларнинг ҳоли не кечарди, Худо билади. Ҳар ҳолда текин ётоқ, текин овқат ва 1000 доллар маош ҳақидаги эртак Тошкент-Чимкент-Новосибирск йўлларида туғилиб, яна Тошкент шаҳрида ўз ниҳоясига етди. Жиноятчи Раматбой эса олганию егани ортиғи билан қайтаришга мажбур бўлди.

Шу ўринда бир мулоҳаза: юртимизда четга чиқиб ишлаш истагидаги кишиларга ҳеч қандай тўсиқлар йўқ. Фақат ҳар бир иш қонун доирасида бўлиши лозим. Қонун ҳимоясидаги фуқароларни эса ҳеч қандай фирибгар алдай олмайди.

**Сожида ИКРОМОВА.**

БИЛАСИЗМИ?

### АНТИҚА КАПСУЛА

АҚШ олимлари электрон капсула яратдилар. Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг тарқатган маълумотларига кўра, мазкур капсулага иккита микрочип ва видеокамера ўрнатилган. Ушбу электрон таблетка беморнинг ҳолатига баҳо бериш, шунингдек, зарур вақтда дори ажратиш хусусиятига эга.

Хабарларга қараганда, ҳажми тўрт юз квадрат микрометрга тенг бўлган митти капсуланинг ичига турли дорилар жойлаштирилган. У ҳам шифокор, ҳам дармон вазифасини ўтайди.

### УЗУМ – КОНИ ФОЙДА

Германиялик олимлар узумни кўп миқдорда истеъмол қилиш артериал қон босимининг пасайишига ва юрак фаолиятининг яхшиланишига ёрдам беради, деб таъкидлашмоқда.

Хабарларга қараганда, ушбу мева таркибидаги моддалар инсон организмидаги туз миқдорини камайтиради ҳамда миокард инфаркти касаллиги юзага келишининг олдини олади.

**ЎзА.**

РАССОМ ХАНДАСИ




БУ – ҚИЗИҚ

### Қизил сайёрадаги тадқиқотлар



Олимлар Марс сайёрасида ҳаёт мавжуд эканини исботловчи янги далилларни аниқладилар. Маълумотларга қараганда, тадқиқотлар давомида космик аппарат ёрдамида катта миқдордаги минерал қатламларни суратга олишга муваффақ бўлинган.

Экспертларнинг хулосасига кўра, ушбу қатламлар илгари сайёрада тирик организмлар – мавжудотлар яшаши учун шароит мавжуд бўлганидан далолат беради. Қизил сайёрада тадқиқот ишлари давом этмоқда.

### Ўзиюрар автобус



Францияда робот-автобус яратилди. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, ҳайдовчисиз ҳаракатланадиган мазкур транспорт воситаси датчиклар ёрдамида бошқарилади.

Ушбу робот-автобуснинг яна бир афзаллиги шундаки, у тўсиқлар ва одамларга урилиб кетмайди ҳамда манзилни аниқ топиб боради. Хабарларга қараганда, ҳайдовчи талаб этмайдиган бу автобусга бир вақтнинг ўзида ўттиз киши сиғади. Автобус соатига йигирма беш километр тезликда юради.

**ЎзА.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 236-55-54.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Равшан ЁҚУБЖОНОВ
Навбатчи Юлдузхон МУҲИДДИНОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-742. Адади 6513. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.10. 12345